201__ A nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

13 (497) ● 2018 йил 28 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари!

Ҳурматли Федерика Могерини хоним!

Ҳурматли ташқи ишлар вазирлари ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон халқи номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этаётганингиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминида сизларни кўриб турганимдан ғоят хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Форумда шахсан иштирок этаётгани учун Президент Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввал-бошданоқ қўллаб-қувватлаган ва барча қатнашчиларга ўзининг табрик хатини йўллаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерришга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутерришнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозоғистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга ана шу ўта муҳим муаммони муҳокама этиш бўйича кўрсатган ташаббуси учун самимий ташаккур билдираман.

2-бет

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда нутқ сўзлади.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афгонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлу, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могеринини қабул қилар экан, турли даражадаги алоқалар фаоллашганини чуқур мамнуният билан қайд этди, бу эса Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ўзаро интилишлардан далолатдир.

Суҳбатда Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишда зарур кўмак кўрсатиш ва минтақани барқарор ривожлантириш, шунингдек, савдо, инвестициялар, инновациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро алоқалар истиқболлари кўриб чиқилди. Келаси йилда ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги Стратегиясини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юқори суръатларда ўсаётгани ва изчил мустаҳкамланаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлик аниқ амалий мазмун билан бойигани қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, муҳим сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда, бизнес ва минтақалар даражасидаги кооперация алоқалари кучаймоқда. Таълим, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алмашинувга оид янги дастурлар амалга оширилмоқда.

Россия Федерацияси Президентининг жорий йил кузда Ўзбекистон Республикасига бўладиган давлат ташрифига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлуни самимий қутлар экан, дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йил октябрь ойида Туркияга олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишув ва битимларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Навбатдаги олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўриш, аввало, музокаралар кун тартибини савдо, сармоя, юксак технологиялар, транспорт ва туризм, маданият соҳалари ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид аниқ лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувда икки томонлама муносабатларга амалий руҳ бахш этиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро савдо, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат ва бошқа тармоқлардаги кооперация алоқалари, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, Ўзбекистонга зиёрат туризми учун ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини ошириш соҳаларида улкан салоҳият мавжудлигини алоҳида қайд этди.

Мулоқотларни янада фаоллаштириш, турли даражадаги ўзаро ташрифлар ҳамда қўшма тадбирлар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Учрашувлар чоғида хорижий делегациялар раҳбарлари Афғонистон бўйича юксак даражадаги Тошкент конференциясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, у ўз вақтида ташкил этилгани ва тадбир кун тартибига киритилган масалалар долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Форум натижалари ушбу мамлакатдаги вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш жараёнини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирилди.

Янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ва социал-иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақада конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича фаол иштирокига юксак баҳо берилди.

Юқори мартабали меҳмонлар Президентимизга Европа Иттифоқи раҳбарияти, Россия, Туркия ва Покистон раҳбарларининг эзгу саломи ва самимий тилакларини етказиб, ўз мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

ЎзА

ЎзМТДП: устувор вазифалар

ИХЧАМ ТЎЙЛАР ТАРАФДОРИМИЗ

ЎзМТДП СЕНАТ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАСИНИ ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Тўй-маъракалар эл-юртимизнинг маданияти, маънавий савияси даражасини белгилайдиган ва ўзида ифода этадиган муҳим омиллардан бири сифатида ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Аммо сўнгги пайтларда оилавий тантана ва маросимларда ўзини кўз-кўз қилиш, шуҳратпарастликка берилиш, кимўзарга ҳаракат қилиш каби иллатлар юзага чиқаётгани ачинарли ҳолат. Яқинда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз, дабдабасиз ўтказиш юзасидан мамлакатимиз халқига Мурожаати эълон қилингани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракаларва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани бу борадаги ишлар самарадорлигида алоҳида ўрин тутади. Сенатнинг мазкур қарори лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

4-бет

Депутатлик назорати

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҲОТ — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

Халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг қизиқиш ҳамда муаммоларини ўрганиш, шу билан бирга, уларга ижобий ечим топиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юртимиз истиқболи ва фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова халқ билан мулоқот қилиш ва мавжуд масалаларни ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида бўлиб, тумандаги тиббиёт, таълим, маданият, ичимлик суви, газ, йўл ва бошқа ижтимоий масалалар билан яқиндан танишди.

Дастлаб депутат туманнинг "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги муаммолар билан қизиқди. Ёшлик маҳалласи раиси Сафаргул Қиличева айни пайтда ҳудуддаги кўп қаватли уйларнинг том қисми ва канализация қувурлари таъмирталаб эканлиги, бу эса аҳолига қийинчилик туғдираётганини айтиб ўтди. Дилфуза Жалилова бу масалани яқиндан ўрганиб, туман ҳокимлиги мутасаддиларига мурожаат қилди. Улар ушбу муаммодан хабардор эканлиги ва тез фурсатда унга ижобий ечим топилишини билдирди.

Туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти ўрганилганда, уролог, травматолог, онколог, иммунолог, эндокринолог сингари мутахассисларга эҳтиёж борлиги аниқланди.

4-бет

Муаммо билан юзма-юз

ФУҚАРО ДЕПУТАТ КЎМАГИ БИЛАН ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИ

Ҳар қандай сиёсий партия ўз гоялари ва мақсад-вазифаларини амалга оширишда, аввало, депутатлар фаолиятига суянади. Чунки уларнинг ваколатлари партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлашда асосий восита ва механизмдир. Қайси партиядан сайланган халқ ноиблари одамлар ишончи, ҳурмати ва меҳрини қучлироқ қозонса, шунда одамларнинг ўша партияга ишончи ҳам мустаҳкамланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўтган даврда парламент палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги вакиллари воситасида одамлар орасига янада кенгроқ кириб бориш, уларнинг кўнглидан чуқурроқ жой олишга интилди. Барча даражадаги депутатларимиз ҳудудлардаги давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда хонадонларда бўлиб, мавжуд ҳолатни ўрганмоқда. Уйма-уй юриб, аҳолини ўйлантираётган кўплаб масалаларга жойида ечим топишга ҳисса қўшаётир.

4-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
13 (497) 2018 йил 28 март, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Шунингдек, бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида билдирган зарур ва қимматли таклифлари учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоларидан миннатдорман. Бу таклифларнинг катта қисми ушбу конференциянинг афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрланган якуний ҳужжати лойиҳаси — Тошкент декларациясида ҳисобга олинди.

Шу билан бирга, бугунги анжуманда иштирок этаётган:

– Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини хонимни;

– Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини чин қалбимдан қутлашдан ғоят мамнунман.

Бугун ушбу залда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари тўпланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Биз шу кунларда баҳор ва янгиланиш байрами бўлган Наврўз айёмини кенг нишонламоқдамиз. Азал-азалдан бу фаслда уруш-жанжаллар тўхатилган, одамлар эски гина-кудуратларни унутиб, бир-бирини кечирган ва ҳатто энг мураккаб, ҳал этиб бўлмайдигандек туюлган масалалар бўйича ҳам келишиб, ҳамжиҳатликка эришган.

Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўткир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири — Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишга қодирмиз.

Минг афсуски, жафокаш Афғонистон заминидаги бу тўқнашув қарийб 40 йилдан буён давом этмоқда.

Маълумки, "уруш олови" афғон халқига четдан тиқиштирилди, бу — унинг танлови эмас.

Ана шу йиллар мобайнида юз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйларини ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди.

Бу можарога янги-янги қучларнинг жалб этилиши унинг мислсиз даражада кескинлашиб кетишига олиб келди. Ушбу уруш нафақат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммога айланди.

Афғонистонда халқаро террорчи гуруҳлар сонининг кенгайиши, зўравонлик ва қон тўкишлар, наркобизнеснинг барҳам топмаётгани — буларнинг барчаси бу мамлакатдаги вазиятни жаҳон жамоатчилиги томонидан инкор этилишига йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Энг ёмони, Афғонистондаги қуролли қарама-қаршилик ва зўравонлик шароитида бутун бир авлод вояга етди. Лекин бу, айрим экспертлар андишасизларча таъкидлаётганидек, "бой берилган авлод" эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзаро низоларга чек қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли.

Бугунги анжуманимизда вакиллари иштирок этаётган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар бу жафокаш мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашишда муҳим роль ўйнашга қодир ва шундай бўлиши керак.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеалар оқибатида Афғонистондаги вазият маълум бир вақт давомида халқаро сиёсат эътиборидан четда қолди. Аммо бунинг натижасида мазкур можаро ўз кескинлиги ва жиддийлигини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонда халқаро конференция ўтказиш таклифи ва Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати қуйидаги омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган.

Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда.

Амударё биз учун ҳамиша тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмаган.

Афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк намояндалари ва бошқа кўплаб бизнинг улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини "ўзимизники", бошқасини эса "бировники", деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ.

Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир.

Халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш бўйича тажрибага эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида "6+2" гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу учрашувда Шимолий Иттифоқ ва "Толибон" ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этган эди.

Музокаралар якуни бўйича Афғонистондаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий принциплари ҳақидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 54-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатига айланди.

Шу муносабат билан биз Афғонистон билан умумий келажагимиз, афғонистонлик биродарларимизни ҳам, бизни ҳам бирдек ташвишга солаётган масалалар ҳақида гапириш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий ҳуқуққа эгамиз.

Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларини бизнинг бу эзгу ишдаги саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича кўп қиррали ва мураккаб масалалар минтақа ва халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу ўринда Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий инқирозни ҳал этиш йўлларини топиш мақсадида ташкил этилган Кобул жараёни, Москва формати, Халқаро мулоқот гуруҳи, "Осиё юраги" деб номланган Истанбул жараёни, "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳи ва бошқа кўп томонлама муҳокама жараёнлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Кобул жараёни доирасидаги иккинчи мажлис иштирокчиларининг Афғонистон ҳукумати билан "Толибон" ҳаракатининг "олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик" асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлайди.

Аммо тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шарти, бизнингча, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

биринчи — афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус — муросага эришиш;

иккинчи — Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш;

учинчи — Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш.

Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташқи кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши беқиёс аҳамият касб этади.

Бундан бошқа йўл йўқ. Бизнинг фикримизча, бугунги учрашувимизнинг бош ғояси шундан иборат.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги низолар ғоят мураккаб ва қарама-қарши хусусиятга эга эканини, уларга турли кучлар жалб этилганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясидан келиб чиқиб, кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро боғлиқ даражада амалга оширишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон мамлакати даражасида — марказий ҳукумат ва қуролли мухолифатнинг асосий кучлари, биринчи навбатда, "Толибон" ҳаракати ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқотни бошлашни таъминлаш зарур.

Томонларнинг бир-бирига нисбатан саволлари ва талаби бўлажак музокараларда муҳокама қилиниши мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, Афғонистон ичидаги сиёсий жараёнларни бошлашни энди орқага суриб бўлмайди. Бу жараённи чўзиш яна кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Тинчлик жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун афғонистонликларнинг ўзларига ташаббус кўрсатиш, музокаралар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича танлаш имконини бериш керак.

Бу ўринда гап, аввало, қуролли мухолифат томонидан ҳам, Афғонистон миллий хавфсизлик кучлари томонидан ҳам жанговар ҳаракатлар олиб боришдан воз кечилиши ва ўт очишни тўхтатиш режимига сўзсиз риоя қилиниши ҳақида бормоқда.

Афғонистоннинг келгусидаги тинч тараққиёти учун умумий масъулиятни ҳис этган ҳамда ўзбек ва афғон халқининг азалий дўстлик алоқаларига таянган ҳолда, биз Ўзбекистон ҳудудида тинчлик жараёнларининг исталган босқичида Афғонистон ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз.

Мухолифат тинч музокараларда иштирок этадиган ва миллий келишувга эришилган тақдирда Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига мухолифатнинг интеграциялашуви учун барча шароитларни яратиш зарур бўлади.

Қуролли мухолифат вакиллари, жумладан, толиблар ҳам афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз мамлакати келажагини белгилаш учун овоз бериш ҳуқуқига эга.

Бу борада мамлакатда парламент ва президентлик сайловларигача бўлган даврда афғонлар ўртасида ўзаро мулоқотни бошлаш ва шу тариқа жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, мухолифатдаги кучларга ҳам янги Афғонистон давлатини қуришда тўлақонли иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиш ғоят муҳимдир.

Минтақавий даражада — аввало Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаши билан томонлар ўртасида мустаҳкам келишувни таъминлашга эришиш зарур.

Афғонистонда иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан унга қўшни бўлган давлатларга, бизнинг эзгу ҳоҳиш-иродамиз, қатъий қароримиз ва бу мамлакатда миллий ярашвни таъминлаш, зўравонликка барҳам беришда фаол иштирок этишга қанчалик тайёр эканимизга боғлиқлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Барча қўшни ва ҳамкор мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари бир-бирини такрорламаслиги, балки тўлдириши керак. Биз бу муаммони ҳал этиш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирлар, ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Шу йилнинг январь ойида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жаноблари таъкидлаганидек, минтақавий ҳамкорликнинг янги жадал суръатлари "умумий, аллақачон пишиб етилган ва долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича барчамизнинг олдимизда катта имкониятлар очади".

Биз энди Афғонистонга унинг ҳудудидан тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмайдиган давлат сифатида қарай бошлашимиз керак. Афғонистон — бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшнимиздир.

Ишонаманки, Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий саъй-ҳаракатларимиз бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни тинч ҳаётга қайтариш жараёнига сезиларли ҳисса қўшади.

Ҳеч шубҳасиз, охир-оқибатда афғон заминида тинчлик ўрнатилиши бепоён Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар очади ва реал наф келтиради. Бу умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, автомобиль ва темир йўллари қуриш, табиий ресурсларни ташийдиган қувурлар ўтказиш, минтақавий ва трансминтақавий савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратади.

Имкониятдан фойдаланиб, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши учун Ўзбекистон имкон даражасида ҳисса қўшаётганини қайд этмоқчиман.

Биз 2002 йилдан буён Афғонистонга электр энергияси етказиб бермоқдамиз. Сурхон — Пули — Хумри янги электр тармоғининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми кескин ортади.

Биз биргаликда яна бир стратегик лойиҳани амалга ошириш таклифини илгари сурмоқдамиз. Бу ўзбек мутахассислари томонидан қурилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини Ҳиротгача давом эттириш лойиҳасидир.

Бу лойиҳа Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун аниқ ва амалий ҳисса бўлиб қўшилади, янги иш ўринлари яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади.

Трансафғон транспрот-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган "Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон" ва "Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой" каби бошқа минтақавий лойиҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубгача ҳамда Шарқдан Ғарбгача бўлган барча йўналишларда қитъаларо транспорт коридорларини энг қисқа йўллар билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади.

Гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Афғонистонга чегарадош Термиз шаҳрида махсус ташкил этилган Афғон фуқароларига таълим бериш маркази иш бошлади. Ҳозирги кунда бу масканда 100 нафарга яқин афғонистонлик йигит-қизлар таълим олмоқда.

Биз мазкур марказда афғон мутахассисларини тайёрлаш бўйича ихтисослик ва йўналишлар сонини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Глобал даражада — дунёнинг етакчи, буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнлари принципиал жиҳатдан сиёсий қўллаб-қувватланиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши учун молиявий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш зарур. Уларнинг ёрдами туфайли мамлакат тинч ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги Афғонистон — бундан атиги йигирма йил олдинги мамлакат эмас.

Очиқ демократик сайловлар ўтказилган пайтдан бошлаб бу юртда давлат қурилишининг янги даври бошланди, оддий афғон фуқаролари ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Мамлакат ҳукумати аҳолини таълим ва соғлиқни сақлаш хизмати билан кенг қамраб олишга муваффақ бўлди. Буларнинг барчаси афғон халқининг тинч-осойишта ҳаёт ва тараққиёт сари интилаётганидан далолат беради.

Яқин икки йил ичида Афғонистонда муҳим сиёсий воқеалар — парламент ва президентлик сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Бу воқеалар мамлакат барқарор демократик тараққиёт йўлидан изчил илгарилаб бораётганининг тасдиғи бўлиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб олишимиз зарур: биз бугун фақатгина Афғонистоннинг келажаги учун эмас, балки умумий хавфсизлигимиз, терроризм, фанатизм ва зўравонликдан холи дунё учун курашмоқдамиз.

Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз керак. Умумий масъулиятимизни доимо ёдда тутишимиз лозим.

Афғонистонда тинчликка эришиш вазифаси бугунги кунда глобал хавфсизлик ва тараққиёт учун том маънода мисли кўрилмаган хатарга айланган терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан узвий боғлиқдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, барча ташқи кучлар афғон ҳукуматининг Афғонистонда ҳорижий террористик ташкилотларнинг базаларини йўқ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлаши, ҳеч қандай фарқларга қарамасдан, терроризмни молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлашнинг олдини олиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳамиша принципиал позицияга эга бўлиб келган.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим.

Ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифини илгари сурган эди.

Бизнинг асосий мақсадимиз — ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиб беришдан иборат.

Биз барча хорижлик ҳамкорларимизга ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини аҳоли ва айниқса, ёшларга тушунтириш йўлида яқин ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этамиз.

Ўйлайманки, бу борада Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон Ислом академиясининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, биз ташаббус тариқасида Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бундан кўзланадиган асосий мақсад — мамлакатда талаб катта бўлган соҳалар бўйича миллий кадрлар тайёрлаш, истеъдодли талабалар ва ёш олимлар учун стипендия ва грантлар ажратиш борасида афғон томонига кўмаклашишдан иборат.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотга интилишини рағбатлантириш — бу барқарор ва изчил тараққиётга эришиш кафолатидир. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўравонлик ва радикализм мафкурасидан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Ишончим комил, ушбу конференциянинг ўтказилиши, амалий руҳдаги мулоқот ва мунозаралар, шунингдек, якуний Тошкент декларациясининг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш имконини беради ва тинчлик жараёнининг ўзига хос "йўл харитаси"га айланади.

Моҳият эътиборига кўра сизларнинг ёрдамингиз билан афғон муаммосининг энг муҳим жиҳатлари бўйича барча манфаатдор томонларнинг сиёсий иродаси ва ўзаро англашувини ўзида акс эттирадиган ҳужжат қабул қилинади.

Афғонистоннинг келажаги халқаро ҳамжамиятнинг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга қарши курашишга ожиз эканини кўрсатадиган мисолга айланиб қолмаслиги лозим.

Бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Барча конференция иштирокчиларига чин қалбимдан самарали иш олиб боришларини тилайман!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Муносабат

Пойтахтимизда "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида ўтказилган халқаро конференция қўшни Афғонистон заминида 40 йилдан буён давом этаётган қуролли қарама-қаршиликка тинч йўл билан чек қўйиш, бу ҳудудда тинчлик-осойишталик ўрнатиш, иқтисодий-сиёсий барқарорликни, афғон халқининг хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилгани билан долзарб аҳамиятга эга. Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий саъй-ҳаракатлар бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни тинч ҳаётга қайтариш жараёнига сезиларли ҳисса қўшади. Зеро, афғон заминида тинчлик ўрнатилиши нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар эшигини очади, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда муҳим ўрин тутади.

АФҒОНИСТОН ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференцияда Президентимиз нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда ҳаёт кечирганини, афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк намояндалари ва бошқа кўплаб улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, азал-азалдан умумий муқаддас дин ва уйғун маънавий қадриятлар бирлаштириб келган икки халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти муштарак. Айни пайтда ҳам Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар истиқомат қилади. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, афғон халқига четдан тиқиштирилган "уруш олови" оқибатида юз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйларини ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди. Мамлакат ривожланиш ва тараққиётдан ортда қолди, жафокаш халқ эса уруш ва можаролардан, қийинчиликлардан чарчади. Ўзаро қарама-қаршиликлар кескин тус олиб, катта муаммога айланиб бораётган бу вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиш Тошкент мезбонлик қилган мазкур конференциядан кўзланган асосий мақсаддир.

"Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир", деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида. Халқимизда "қўшнинг тинч — сен тинч", деган мақол бежиз айтилмаган. Ён қўшнимиз бўлган Афғонистоннинг тинчлиги, хавфсизлиги бевосита бизга ҳам дахлдордир. Шу боис Президентимиз тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шарти, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатлигини таъкидлаб, бу борадаги асосий мақсад-вазифаларни илгари сурди. Хусусан, энг аввало, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус — муросага эришиш, иккинчидан, Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш, учинчидан, Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда барча манфаатдор ташқи кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиш таклифлари илгари сурилди. Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг Афғонистон бўйича тинчлик музокараларида тақдим этган ушбу таклифлари бу заминда тинч йўл билан барқарорликни таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади.

Президентимиз ўз нутқида бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз ён қўшни давлатнинг осойишталигини таъминлашга имкон қадар кўмаклашиб келаётгани эътиборга молик. Айни пайтда Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларига таълим бериш мақсадида махсус марказ ташкил этилиб, унда 100 нафарга яқин афғонистонлик йигит-қизлар таълим олмоқда. Бундан ташқари, 2002 йилдан буён Афғонистонга электр энергияси етказиб берилмоқда. Сурхон — Пули — Хумри янги электр тармоғининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми кескин ортади. Яна бир янги стратегик лойиҳа — ўзбек мутахассислари томонидан қурилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини Ҳиротгача давом эттириш лойиҳаси Афғонистон иқтисодиётини тиклашга катта амалий ҳисса қўшади. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашади.

Тошкент конференциясида кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари афғон муаммоси бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди, Афғонистонда тинч ҳаёт тикланиши ва унинг барқарор ривожланиши учун ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини маълум қилди. Халқаро конференция доирасида Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси имзоланди. Тошкент декларациясида Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг аниқ йўллари белгилаб берилди. Конференция афғон муаммоси бўйича тўғридан-тўғри мулоқот қилиш майдонини яратди. Эндиликда афғон халқи ушбу мақсад йўлида бирлашиши зарурлиги, мамлакат ҳукумати ва мухолифат қаерда, қачон учрашиши, музокарага киришишини ўзи ҳал қилиши кераклиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференция Афғонистон муаммосининг нафақат сабаблари, балки уни бартараф этиш чоралари бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланиши билан беқиёс ўрин тутади. Шу боис ҳам бу анжуманга бутун дунё жамоатчилиги катта қизиқиш билан эътибор қаратмоқда. Мазкур халқаро конференция моҳиятини ҳамда давлатимиз раҳбарининг долзарб аҳамиятга эга нутқи аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Ер юзининг катта қисмида сўнгги 40 йилда афғон урушига у ёки бу даражада дуч келган авлодлар улғайди. Кимнингдир ўғли, кимнингдир қариндоши ёки қўшниси бу адолатсиз уруш қурбонига айланди. Уруш олови қанчадан-қанча бегуноҳ одамнинг ёстиғини қуритди, унинг совуқ нафаси бошқа юртларга ҳам етиб борди, минглаб оилаларни пароканда, гўдакларни етим қилди. Шу боис "Афғонга кетибди" деган хабар юракларга қўрқув, хавотир олиб кирарди. Оталар ўғлининг афғонга ҳарбий хизматга кетганини кекса ота-онасидан яширар, ичидаги дардини билдирмасди. Оналар пана-панада жигарбандига соғлик-омонлик сўраб Яратганга ёлворар, йўл қарарди.

Ана шундай муҳитда улғайган болалар "афғонга олиб кетмасмикан", дея йиллар давомида хавотир билан яшади, ҳарбийга бормаслик чорасини қидирди. Орадан ўн йиллар ўтган бўлса-да, афғон муаммоси одамлар хотирасида қолдирган ваҳима ва қўрқув ҳали унутилгани йўқ.

Афсуски, афғон уруши йиллар ўтган сари жанг майдонларидан наркобизнес, терроризм, экстремизм каби кўзга кўринмас уруш ўчоқларига кўчди. Энди бу заминдаги нотинчлик ва зўравонликлар, ноҳақ қон тўкишлар дунёнинг барча минтақаларига таҳдид солар даражада кенгайди.

Агар Афғонистонда тинчлик ҳукм сурганда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бўлмасди, минглаб инсонлар террор қурбонига айланмасди. Бу юртда тинчлик-осойишталик бўлганда, диний экстремистик ҳаракатлар илдиз отмасди, дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик оловини ёқаётган ёвуз кучлар, Ислом давлати деб номланган террорчилик ташкилоти пайдо бўлмасди. Гиёҳванд моддалар ва ноқонуний қурол савдоси нафақат қўшни давлатлар, балки бутун дунё ҳамжамиятига таҳдид солмасди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жафокаш Афғонистон заминидаги тўқнашувлар, "уруш олови" афғон халқининг ўз танлови эмас, аксинча, четдан тиқиштирилган фитна натижасидир. Ана шу нотинчликдан афғон халқи ўн йиллар давомида жабр чекиб келмоқда, миллионлаб одамлар ўз уйини ташлаб олис юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Бу заминдаги кескинлик Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон иқтисодиётининг фаол интеграция жараёнларидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, тинч Афғонистон савдо-иқтисодий, транспорт-логистик имкониятлари билан Ўзбекистонга бошқа минтақаларга денгиз орқали қисқа йўл билан чиқиш имконини берар эди.

Халқимизда "Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади", деган нақл бор. Афғонистонда қарийб 40 йилдан буён давом этиб келаётган можаро афғон халқининг ҳаётини ўнлаб йиллар орқага суриб ташлади. Бу ҳудудда пайдо бўлган инқироз, аҳолининг қашшоқлашуви дунё ҳамжамиятидан аллақачон глобаллик касб этган ушбу муаммога биргаликда амалий ечим топишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилди, мулоқот гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), "Кобул жараёни" (июнь), Афғонистон Ислом Республикасига оид минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (Ашхобод, ноябрь), "Осиё юраги – Истанбул жараёни" (Боку, ноябрь-декабрь) ва Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада қатнашди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилди,

бу борада аниқ таклифлар билдирди. Ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилиши йўлидаги ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг олий даражадаги учрашувларида мамлакатимизнинг бу борадаги ижобий позицияси ўзаро манфаатли келишувлар орқали янада мустаҳкамланди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ечимлар топишга қаратилгани билан илгариги халқаро анжуманлардан фарқ қилади. Шу боис уни ўтказиш ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунослар ва экспертлар томонидан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликка эришиш, шу орқали нафақат Марказий Осиё, балки унга туташ минтақаларда тинч тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур конференция афғон халқининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши билан амалий аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирилди.

Жумладан, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги Ўзбекистон ташаббуси ғоят қадрли эканини таъкидлади.

Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид ташаббуси қўллаб-қувватлашини, бу масала Европа Иттифоқининг доимо эътиборида туришини қайд этди.

Мазкур форумга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўллаб, ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент конференцияси иштирокчиларининг расмий суратга тушиш маросимидан сўнг анжуман шўъба мажлисларида давом этди. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров афғон муаммосини ҳал қилиш ташаббуси минтақа давлатларининг ўзидан чиқаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент конференцияси ўз вақтида амалга оширилган муҳим жараён экани ва ундан халқаро ҳамжамият ижобий натижалар кутиб қолишини таъкидлади.

Туркия ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлу Тошкент конференцияси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутишини, бу беқарорликка сабаб бўлаётган кучларнинг ўзаро ярашувига оид жараённи тезлаштиришга ёрдам беришини қайд этди.

АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ташаббуслари билан минтақа давлатлари тараққиётига, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётгани, шу жиҳатдан дунё ҳамжамияти мазкур конференцияга муаммони ҳал қилишда амалий ечим сифатида қараётганини қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ли Баодун Афғонистоннинг сармоя, савдо, транспорт имкониятларини ошириш учун уни қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаши зарурлигини таъкидлади.

Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф Афғонистондаги нотинч муҳит бевосита қўшни ва узоқ давлатлардаги вазиятга салбий таъсир этишини, шу боис барча ушбу мамлакат тинчлиги учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши кутилган натижани беришини қайд этди.

Анжуманда таъкидланганидек, айрим геосиёсий кучларнинг Афғонистонда юзага келган вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётгани ушбу давлатда вазиятни яхшилаш борасидаги интилишларга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг оқибатида террорчи ташкилотлар жангариларининг Афғонистон ичкарисига тобора кўпроқ кириб бориши ва уни ўз полигонига айлантиришига йўл очилмоқда.

Афғонистон муҳим трансчегаравий ҳудудда жойлашган. Бу мамлакат билан ҳамкорликдан Марказий Осиё давлатлари энг кўп манфаатдор. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонлар бу йўлда барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини қайд этди.

Халқаро конференцияда НАТО бош котибининг операциялар бўйича ёрдамчиси ўринбосари Жон Манза, Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Гарет Бейли, Италиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Альберто Пиери, Германия ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Маркус Потцель, Қатар Ташқи ишлар вазирлиги махсус вакили Мутлақ бин Мажид ал-Қаҳтоний, Япония Ташқи ишлар вазирлиги махсус маслаҳатчиси Хироши Такахаши, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси директори Евгений Сисоев, Норвегия Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Рольф Вилли Хансен ва бошқалар сўзга чиқди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Конференция иштирокчилари анжуман якуни бўйича Тошкент декларацияси имзоладилар. Мазкур ҳужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Тадбир якунида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Афғонистон ташқи ишлар вазири С.Раббоний нуфузли конференцияда эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

Таъкидландики, мазкур халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига ғоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бундай анжуманлар келгусида ҳам давом этади.

С.Раббоний муҳим тарихий ташаббусни илгари суриб, Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказишга бош бўлган Ўзбекистон Президентига, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри
2018 йил 26-27 март

Муқаддима

Биз, Тошкент конференцияси иштирокчилари:

1) Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақада барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афғон халқининг азоб-уқубатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлаймиз. Шу сабабли, биз Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг саъй-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этамиз;

2) Биз БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг, жумладан, 2018 йил 19 январь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мажлисидан сўнг Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида шакллантирилган янги шерикликка доир резолюциялари ва қарорларини қўллаб-қувватлаймиз;

3) Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатида тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз;

4) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Афғонистон ҳукумати раҳбарлигидаги Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва зўравонликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатларига раҳбарлик қилишга қаратилган бош форум ва восита сифатида Кобул жараёнининг муҳимлигини эътироф этамиз;

5) Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини, уларнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаймиз;

6) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференциясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этамиз.

Тинчлик ва ярашув

7) Миллий Бирдамлик ҳукуматининг толиблар билан кенг кўламли тинчлик келишувига эришиш бўйича пировард мақсад йўлида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида "Толибон" билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган таклифини қатъий қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз ҳамда "Толибон"ни Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш жараёнига доир ушбу таклифни қабул қилишга чақирамиз;

8) Толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зўравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли экани, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва "Толибон"нинг муросасоз вакиллари ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини ўтказиш зарурати мавжудлигини қайд этамиз;

9) Афғонистон ҳукуматининг "Толибон" билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни тасдиқлаймиз ҳамда Кобул жараёнини Афғонистон бўйича бошқа минтақавий ва халқаро тинчликпарвар ташаббуслар билан бир қаторда бош форум ва восита сифатида эътироф этамиз;

10) Толибларни афғон халқининг азоб-уқубатларига чек қўйиш учун Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишда уларнинг ҳам масъулияти борлигини тан олишга ҳамда ўзаро келишилган форматни ишга солган ҳолда ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши орқали Афғонистон ҳукумати билан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларига киришишга тайёр эканлигини расман эълон қилишга чақирамиз;

11) Афғонистон ҳукумати ва "Толибон"ни сиёсий музокараларга киришишга чақирамиз. Кенг кўламли тинчлик келишувидан барча ютади, ҳеч ким ютқазмайди. Ушбу келишув "Толибон"нинг сиёсий жараёнга легитим сиёсий иштирокчи сифатида қўшилишини, "Толибон"нинг зўравонликдан воз кечиши ҳамда террорчилик гуруҳлари ва халқаро терроризм, жумладан, "Ал-Қоида", ИШИД ва бошқа трансмиллий террорчилик тармоқлари (ТТТ) билан алоқаларни узишини, шунингдек, Афғонистон Конституцияси, жумладан, барча афғонларнинг тенг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини кафолатлаши лозим;

12) Хотин-қизларнинг афғон ярашуви жараёни, хавфсизлик, жамият ва иқтисодиётдаги тўлиқ ва салмоқли иштирокининг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлаймиз ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳалқаро саъй-ҳаракатларни муттасил қўллаб-қувватлашимизни қайд этамиз, шунингдек, Афғонистоннинг хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизликка доир ҳаракатлар Миллий режасини амалга оширишни қўллаб-қувватлашнинг тарафдори бўлиб қоламиз;

13) Афғонистон ҳукуматини самарали рағбатлантириш йўли билан тинчлик музокараларини бошлаш ва илгари суриш учун ҳамда тинчлик жараёнига қўшилишдан бош тортаётган ҳамда зўравонлик, қон тўкиш ва ваҳшийлик ҳаракатларини давом эттираётган, трансмиллий террорчилик тармоқларига кўмаклашаётган муросасиз элементларга қарши зарур чора-тадбирлар билан курашиш учун қулай шароитлар яратишда қўллаб-қувватлаймиз;

14) Барча мамлакатларни Афғонистон хавфсизлиги, барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишга, унинг ички ишларига аралашмасликка чақирамиз;

15) Бошқа мамлакатларга террорчилик билан таҳдид солмайдиган ҳамда ўз ҳудудида хавфсиз муҳитни яратишда ўз кучига тўлиқ таяна оладиган тинч Афғонистонни қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз.

Терроризм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш

16) Афғонистон халқига қарши яқинда содир этилган шафқатсиз тажовузларни қоралаймиз ҳамда у билан мустаҳкам бирдамлигимизни билдирамиз, терроризмнинг шакл ва кўринишларини фарқламасдан уларнинг барчасини қоралаймиз, трансмиллий терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги алоқадан Афғонистон, минтақа ва бутун халқаро ҳамжамият хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий ва умумий таҳдидлар мавжудлигини эътироф этамиз;

17) БМТнинг Глобал аксилтеррорчилик стратегияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ барча шакл ва кўринишлардаги терроризмга барҳам бериш бўйича амалий минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини қайд этамиз;

18) Афғонистон ҳукуматининг терроризмни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган наркотиклар, прекурсорлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ноқонуний айланишига, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашиш мақсадида минтақавий ва халқаро шериклар билан ҳамкорликда фаол амалий саъй-ҳаракатларининг муҳимлигини қайд этамиз;

19) Терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчилик ўзаро боғлиқ глобал таҳдид экани ҳамда БМТнинг Глобал аксилтеррорчилик стратегиясига асосланган ягона стратегияни ишлаб чиқишни талаб этаётганини эътироф этамиз.

20) Афғонистонга хавфсизлик соҳасидаги кўмак Афғонистон ҳукумати орқали тақдим этилиши лозимлигини тасдиқлаймиз ҳамда Афғонистонни беқарорлаштириш ва можарони узайтиришга олиб келувчи "Толибон" ва ИШИДга ҳар қандай молиявий, моддий кўмак ёки қурол-яроғ тақдим этилишига қатъий қаршимиз.

Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик

21) Минтақада иқтисодий ҳамкорлик борасида ва Афғонистонни Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва бошқа минтақалар билан боғловчи табиий кўприк сифатида эътироф этиб, транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишда охирги пайтларда эришилган муваффақиятларни қўллаб-қувватлаймиз. Афғонистоннинг минтақага иқтисодий интеграцияси келгусида ушбу мамлакатда ва бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади;

22) Афғонистонни унинг яқин қўшнилари ва минтақа билан боғлайдиган савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ва коммуникация соҳаларидаги минтақавий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш бутун минтақа аҳолисига сезиларли манфаат келтириши, кун кечириш учун зарур манбаларни яхшилаши, тинчликка кўмаклашиш ҳамда терроризм ва ноқонуний фаолиятга қарши курашиш борасида кўрилаётган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашини қайд этамиз;

23) Аввалги ташаббусларнинг давоми сифатида ташкил этилган Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференцияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни, терроризм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, минтақада иқтисодий ҳамкорликка оид кенг доирадаги масалалар бўйича очиқ ва ҳар томонлама муҳокамалар учун ноёб имконият тақдим этгани ҳамда ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқишга рағбат берганини эътироф этамиз;

24) Ўзбекистон ҳукуматига анъанавий меҳмондўстлик ва Тошкент шаҳрида юқори даражадаги ушбу конференция юксак даражада ташкил этилгани, шунингдек, тинчлик, хавфсизлик ва минтақавий шериклик масалалари бўйича кенг ва мустаҳкам минтақавий ва халқаро консенсусни шакллантиришга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Ушбу декларация Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида Афғонистон, Хитой, Франция, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Қатар, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, БАА, Буюк Британия, АҚШ, Ўзбекистон, ЕИ ва БМТ томонидан қабул қилинди.

MILLIY TIKLANISH
13 (497) 2018 йил 28 март, чоршанба

ЎзМТДП: устувор вазифалар

ИХЧАМ ТЎЙЛАР ТАРАФДОРИМИЗ

ЎзМТДП СЕНАТ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАСИНИ ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲОКАМА ҚИЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган очиқ мулоқот ҳам ушбу қарор лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари, Республика "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" жамоат фонди, Маънавият ва маърифат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъул ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Очиқ мулоқотда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

— Тўйлар халқимизнинг узоқ асрлик анъаналари, урф-одат ва удумларини ўзида мужассам этганки, уни маънавий мерос сифатида қадрлаймиз. Бироқ миллий тўй ва маросимларимиз кейинги вақтда дабдабали тус олиб, оғриқли нуқтага айланиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солиши табиий. Шу боис дабдабали тўй-маросимларга чек қўйиш, тўй олди ва тўйдан кейинги турли кераксиз тадбирларни бартараф этиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳар бир идора ва ташкилотда, маҳаллаларда, аҳоли вакиллари иштирокидаги давраларда кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқимизнинг миллий-маънавий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган ноҳуш ҳолатлар — ортиқча сарф-харажат, дабдабага асосланган тўй-ҳашамларга барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Сенатнинг ушбу масаладаги қарор лойиҳасини ЎзМТДП дастурий вазифалари нуқтаи назаридан муҳокама қилиб, ўз таклифларимизни тақдим этдик. Таъкидлаш жоиз, партиямиз ўтган даврда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш масаласида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширди. 2009–2016 йиллар давомида тўй-маракалар билан боғлиқ 200 дан ортиқ ташаббус-масалани партия гуруҳларимиз маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокамага олиб чиқди. Биргина 2017 йилда ЎзМТДП гуруҳлари томонидан халқ депутатлари Наманган, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоят ва туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига тўйларни тартибга солишга оид 22 масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Келгусида ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, қарор лойиҳасида акс этган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишимиз лозим.

Очиқ мулоқотда Сенат қарори лойиҳасида кўзда тутилган мақсад-вазифалар атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор таклиф ва мулоҳазалар баён этилди. ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, "Нуроний" жамғармаси вакили Ҳулкар Убайдуллаева, республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиқлари Гуллола Исоқова, Азамат Камолов, халқ депутатлари Шайхонтоҳур, Сергели, Бектемир туман Кенгашлари депутатлари Дилшод Исомиддинов, Хирожиддин Ибрагимов, Феруза Жалилова ва бошқалар тўй-маъракаларни ўтказишда, келин-куёв, тўй бола ҳамда қуда-андаларга сарпо-суруқ беришда ҳаддан зиёд сарф-харажат қилинаётгани, ҳою ҳавасга берилиш натижасида хурсандчиликдан кўра ортиқча асаббузарлик, ноҳуш ҳолатлар келиб чиқаётганини таъкидладилар. Сенат қарори лойиҳаси ва унга мувофиқ тасдиқланадиган Низом юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳаза ва фикрлар ўзаро баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Масалан, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган ихчам тўй версиясига кўра, бўлажак келин-куёвни унаштириб қўйилгандан 5–6 ой ўтиб тўй ўтказиш таклиф қилинмоқда. Бундан мақсад ёшларнинг бир-бирини тўла ўрганишига имкон яратилади. Агар шу муддат ичида ўзаро келишмовчилик келиб чиқса, унаштирувни бекор қилиш мумкин. Бу сарф-харажат қилиб, тўйдан кейин бир оиланинг ажримидан кўра яхшироқ вариант сифатида баён қилинди. Аммо иштирокчиларнинг аксарияти бу услуб менталитетимизга ҳам, шариат қоидаларига ҳам тўғри келмаслигини, умуман, ихчам тўй версиясида ғарбча ёндашув устунлик қилаётганини қайд этдилар.

— Сенат қарори лойиҳасига илова қилинган Низомга кўра, тўй-ҳашамлар соат 10:00 дан 23:00 гача, ош бериш маросимлари соат 12:00 дан 15:00 гача ўтказилиши белгиланмоқда, — деди халқ депутатлари Сергели туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Хирожиддин Ибрагимов. — Шунингдек, соат 23:00 дан кейин оилавий тадбирларни давом эттиришга йўл қўймаслик, тўй-ҳашамларда 150 нафаргача, ош бериш маросимларида 200 нафаргача киши қатнашиши назарда тутилмоқда.

Тадбирда қарор лойиҳаси ва Низомда белгиланган тартиб-қоида ва талаблар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш лозимлиги айтилди. Шунингдек, партия "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан тўй-ҳашамларни ихчамлаштириб, камхарж қилиб ўтказиш бўйича тайёрланган таклифлар ўқиб эшиттирилди ва ёшлар ўртасида тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакилига тақдим этилди.

Очиқ мулоқот сўнггида мазкур қарор лойиҳаси юзасидан иштирокчиларнинг таклифлари умумлаштирилиб, уларни Олий Мажлис Сенатига тақдим этишга келишиб олинди.

Азамат КАМОЛОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи:

— Аччиқ ҳаётий ҳақиқат шуки, кейинги пайтда тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар кўплаб оилаларнинг моддий аҳволига, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоғига ботишига сабаб бўлаяпти. Шу билан бирга, тўй-ҳашамлар даромад манбаи — катта индустрияга айланяпти, десак муболаға бўлмайди. Чунки жойларда энг сердаромад фаолият сифатида замонавий, ҳашамдор тўйхона ва ресторанлар барпо этилмоқда. Эндиликда мазкур қарор асосида тўй маросимларида 200 нафаргача киши қатнашадиган бўлса, ҳар бир ҳудудда қад кўтариб турган ҳашамдор тўйхоналар эгалари моддий зиён кўриши табиий. Шу мақсадда қарор лойиҳасида ҳудудлардаги катта-катта тўйхоналардан самарали фойдаланиш чораларини ҳам акс эттириш, бундан кейинги қуриладиган ресторан ва оилавий тадбирлар учун хизмат кўрсатадиган марказларни шунга қараб лойиҳалаштириш зарурлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Масалан, яқинда Хоразм вилоятида бўлганимизда, ана шундай бир тўйхонадан сайёҳлар учун доимий овқатланадиган марказ сифатида фойдаланилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу, албатта, самарали усуллардан бири сифатида эътиборимизни тортди.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Ҳар бир туман ва шаҳар учун энг мақбул тўй услублари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, маҳаллий бош имом-хатиб, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман, шаҳар бўлимлари фаоллари иштирокидаги кенгашда тасдиқланиши керак. Масалан, Тошкент шаҳрида эҳтимол тўйлар 150 кишидан ортиқ бўлар, ҳар қалай мегаполис, лекин 35 минг аҳоли истиқомат қиладиган Улуғнор туманида 100 кишилик тўй ҳам катта ҳисобланади.

Шунингдек, Низомга мувофиқ, депутатлик назорати натижалари бўйича маҳаллий урф-одатлар, миллий анъаналардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли ҳудуддаги оилавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа қўшимча талаб ҳамда тавсиялар белгиланиши мумкин. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, оилавий тадбирларни ўтказишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан доимий депутатлик назоратини амалга ошириши, ҳудудларга хос урф-одат ва қадриятлар асосида таклиф бериб бориши лозим.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутатлик назорати

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ушбу муаммога ижобий ечим топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига депутатлик сўрови юборилади. Шунингдек, мазкур ҳудуддаги "Жозибали овоз" болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти ўрганилганда, чет тили ва фортепиано йўналишлари бўйича мутахассислар етишмаслиги аниқланди. Ушбу масала бўйича туман халқ таълими бўлимига депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Ҳудуддаги 6, 11-мактабгача таълим муассасаларида бўлган халқ вакили ушбу масканларда ҳам олий маълумотли мутахассислар етишмаслиги муаммосига дуч келди. Ҳар иккала таълим-тарбия маскани мутасаддилари ҳам бу масала уларни анча йиллардан буён қийнаб келаётганини айтди. Депутат МТМ мудираларига Юртбошимиз ташаббуси билан педагогика коллежларида таҳсил олган ёшларни қайта тайёрлов асосида сиртқи ўқитиш тизими йўлга қўйилаётгани, бу билан мактабгача таълим муассасаларидаги кадрлар тақчиллиги олди олиниши ҳақида тушунча берди. Шунингдек, ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида мактабгача таълим муассасалари туман бўлимига ҳам ёзма мурожаат қилинадиган бўлди.

Туманнинг "Қурувчилар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўрганишлар жараёнида маҳалла оқсоқоллари анчадан буён ичимлик суви муаммо бўлиб келаётгани ҳамда газ босимининг пастлиги аҳоли учун қийинчилик туғдираётганини таъкидлади. Маҳалладаги мазкур масалалар бўйича ҳам туман ҳокимлигига мурожаат қилинди ва муаммолар ўз жойида бартараф этилди.

Шунингдек, ҳудуддаги 4-умумтаълим мактаби ва 8-сонли мактабгача таълим муассасалари аҳволи ўрганилганда, иккала муассасанинг ҳам таъмирталаб эканлиги аён бўлди. Ушбу масалалар юзасидан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари туман бўлимларига депутатлик сўрови юборилишга келишилди.

Туманнинг "Сариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички йўллар таъмирталаб аҳволда. Ҳудуд аҳолисининг бу борадаги мурожаати асосида мазкур муммони тегишли мутасадди ташкилотлар кўмагида ҳал этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Шунингдек, "Сариқ" қишлоқ врачлик пункти ҳамда 23-умумтаълим мактаби фаолияти ўрганилганда иккала масканда ҳам олий маълумотли мутахассислар етишмаслиги маълум бўлди. Бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан эса туман тиббиёт бирлашмаси ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига мурожаат қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар Хоразм вилоятининг Урганч туманида бўлиб, тўрт сектор фаолияти, шунингдек, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов иштирокидаги ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида Бекобод қишлоғи аҳолиси билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда бир қатор муаммо ва масалаларга ечим топилди. Жумладан, "Оқ ёп" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Рўзметов Бекобод қишлоғидан Урганч — Хива йўлига чиқувчи 4 километрлик йўлнинг яроқсиз аҳволга келиб қолганидан аҳоли азият чекаётгани, ёғингарчилик пайтида бу ердан юриб бўлмаслигини куйиниб гапирди. Депутат Жуманазар Отажонов ушбу мурожаатни яқиндан ўрганиб, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ижобий ҳал қилишини билдирди. Шунингдек, коллеж битирувчиси Маҳкамбек Қутлимуродов маҳаллада Интернет-кафе очиш ниятида эканлиги, ушбу мақсадини амалга оширишда банкдан кредит олишда ёрдам беришларини сўради. Бу масала "Ўзсаноатқурилишбанк" туман филиали кўмагида ижобий ҳал қилинди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вакиллари томонидан тузилган ишчи гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан бир қанча муаммолар бартараф этилаётганидан хабардорман, — дейди Урганч қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Зулфия Қурёзова. — Бугунги очиқ мулоқотда ҳам ҳар бир муаммонинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича ўрганилиб, ҳал қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Аҳоли бундан миннатдор.

Туманнинг Қоровул қишлоғидаги учрашув очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди. 1-умумтаълим мактаби директори Гулшода Мадраҳимова ушбу мактаб 624 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда унда 1 минг 500 нафар ўқувчи таълим олаётгани, дарс машғулотлари икки сменада ташкил этилаётган бўлса-да, кўп ҳолларда хоналар етишмаётганини айтди. Депутатлар мазкур мурожаат юзасидан республика Халқ таълими ва Молия вазирликларига мурожаат қилиб, масалага ижобий ечим топишга ваъда берди.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бу каби очиқ мулоқотлардан кўзланган асосий мақсад — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, соҳа ва йўналишлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни жойида ёки тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови юбориб ижобий ҳал қилишдан иборат. Ўрганишлар давомидаги мурожаатларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўтарилган масалаларнинг аксарияти уй-жой, коммунал соҳа, тиббий хизмат, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Буларнинг асосий қисми туман даражасида ҳал этиладиган масалалар бўлиб, уларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмоқда. Республика даражасида ўз ечимини кутаётган масалалар борасида эса таклифлар тайёрланиб, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг жойлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси
Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муаммо билан юзма-юз

ФУҚАРО ДЕПУТАТ КЎМАГИ БИЛАН ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари ташкил этилгани ва мазкур маҳаллий вакиллик органларига партиямиздан 54 депутат сайлангани аҳоли орасига кириб бориш ва самарали натижаларга эришиш имкониятларини янада кенгайтирди. Бугун Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар пойтахт ҳудудидаги масала-муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга киришган.

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (24-Ҳувайдо сайлов округи)дан сайланган депутат Дилшод Исомиддинов илк депутатлик ишини "Ҳувайдо" ва "Зафаробод" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги муаммоларни ўрганишдан бошлади. Аҳоли вакиллари билан суҳбат жараёнида мазкур ҳудудларда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги аниқланди, бир қанча масалалар ўртага ташланди. Жумладан, Ҳувайдо маҳалласида жойлашган 169-умумтаълим мактабининг ҳолати билан танишилганда, муассаса биносининг баъзи иситиш тизими яхши ишламаётгани маълум бўлди. Мактаб ҳудудини ўраб турган темир панжараларнинг кўп қисми бузилган. Депутат кўмагида соҳа усталари жалб қилиниб, иситиш тизими таъмирланди, ўрама панжаралар қайта тузатилди ва спорт майдончасидаги футбол дарвозаси созланди.

Депутатнинг маҳалла раиси ва фаоллари билан олиб борган суҳбати давомида мазкур ҳудудда жойлашган болалар спорт майдончасида бир қатор камчиликлар борлиги айтилди.

— Пойтахтимиз туманларида ҳам халқ депутатлари Кенгашлари тузилиб, халқ ноиблари сайлангани ҳудуддаги катта-кичик масалаларни улар кўмагида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Ҳувайдо" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Асадов. — Ўзимиз ишонч билдириб сайлаган депутатимиз бугун ҳудуддаги мавжуд муаммолар билан яқиндан танишиб, уларни ҳал этиш чораларини кўраётгани маҳалла аҳлини қувонтирмоқда. Маҳалламиздаги болалар спорт майдончасининг кириш дарвозаси автомобиллар йўли томонда жойлашган. Бу эса болаларнинг майдонга кириб чиқишида хавф туғдирмоқда. Фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлаш масаласида депутатга мурожаат қилган эдик, унинг кўмагида майдончага кириш дарвозасини бошқа жойга кўчириш ишлари олиб борилди. Болалар майдончасидаги айрим яроқсиз ҳолга келиб қолган жиҳозлар созлаб берилди.

Депутат маҳалла фуқаролари билан юзма-юз мулоқот чоғида кўтарилган қатор масалалар юзасидан ҳам тегишли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Жумладан, Ҳувайдо маҳалласида истиқомат қилувчи 76 ёшли Ирисбек Аҳмедов "Нуроний" даволаниш оромгоҳида дам олиш мақсадида ордер олиш масаласида кўмак сўради. Депутат ушбу масалада Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарига мурожаат қилиб, уни ижобий ҳал қилди. Фуқаро айни пайтда мазкур тиббиёт масканида даволанмоқда.

Фуқаро Мафура Мамараҳимованинг мурожаатига кўра, қизи Ўғилой ва ўзининг фуқаролик паспортини олиш муддати ўтганлиги боис жарима белгиланган. Аммо белгиланган жарима миқдори кам таъминланган оила учун оғирлик қилмоқда. Шу боис улар паспорт олишга қийналаётган экан. Депутат тегишли мутасаддиларга мурожаат қилиб, жарима миқдорини камайтиришга эришди. Жарима ҳам ҳомийлик асосида тўлаб берилиб, фуқароларнинг паспортини олишига кўмаклашилди.

Халқ вакилларининг бу каби амалий ишлари партия ва депутатнинг жамиятдаги обрўси ошишига хизмат қилади. Бу эса маҳаллий вакиллик органларидаги вакилларимиздан бундан-да самарали фаолият олиб бориш, ўз ваколатидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама ўрнида

УЧҚЎРҒОНДА ИННОВАЦИОН АВТОМАКТАБ ОЧИЛДИ

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгашининг янги ўқув спорт-техника клуби биноси фойдаланишга топширилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги "Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси асосида бунёд этилган янги автомактаб инновацион технологиялар воситасида фаолият юритиши билан аҳамиятлидир.

Автомактабнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нурмуҳаммад Муллабоев, Учқўрғон тумани ҳокими Азимжон Ваҳобов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зиёвиддин Мансуров ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қуролли кучлар тизимига чақирувчиларни руҳан ва жисмонан тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, халқ хўжалиги турли тармоқларининг оммавий касб ходимларига бўлган кадрлар эҳтиёжини тўлдириш борасида кўрилаётган бу каби чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

— Мактабда ўқувчиларнинг замонавий билим олиши учун барча шароит мавжуд, — дейди мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши раҳбари Аҳмаджон Аълохўжаев. — "Келажак замон савдо" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилган икки қаватли бинода жойлашган автомактаб ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун замонавий технологиялар, ўқув дастурлари билан тўлиқ таъминланди. Хусусан, сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари, видеопроекторлар, қулай ўриндиқлар, электрон ва маркерли доскалар, "Нексия" автоуловининг электрлаштирилган қирқимли ҳаракатланувчи стенди, замонавий автотренажёрлар, кўргазмали паннолар, шунингдек, аудио-видеокузатув мосламалари тингловчилар ихтиёрида.



Ушбу автомактаб касб-ҳунар ўрганишни мақсад қилган кўплаб ёшларнинг узоғини яқин қилди. Эндиликда нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни Уйчи ва Норин туманларида яшовчи аҳоли ҳам касб эгаллаш учун шу ерда машғулотларга қатнаш мумкин. Янги инновацион мактаб бир вақтнинг ўзида 200 нафар тингловчини қабул қилиш ва ўқитиш имконига эга.

Шу куни ўқув спорт-техника клубининг ёнгинасида жойлашган, Фарғона водийсида ягона бўлган замонавий картадром мажмуасида картинг спорт тури бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган спортчи-ёшлар кўргазмали пойга чиқишларини намойиш этди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ШОВОТ ТУМАНИДАГИ 289-СОН
хўжаликлараро кўчма механизациялашган
колонна масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Жаннатмонанд ўлкамизга ўз таровати,
хушбўй ифорлари билан кириб келган
баҳор фаслининг ардоқли айёми

НАВРЎЗ

билан чин дилдан табриклайди.



Байрам муборак!

Хизматлар лицензияланган.

ҚИЗИЛТЕПА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
эзгулик ва яшариш байрами —

НАВРЎЗ

билан муборакбод этади.

"ЎЗТЕЛЕКОМ" АК САМАРҚАНД
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

UZTELECOM

Миллий қадриятларимизнинг
бетакрор тимсоли

Навруз

байрами билан қутлайди.

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Хизматлар лицензияланган.

UTG
UZTRANSGAZ

"ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ "ХОРАЗМГАЗ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Шаркона янги йил ҳар бир оилага бахт ва шодлик олиб келсин.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Маҳсулот сертификатланган.

Бизнинг шарх

ҚАДР ВА ҚАДРИЯТЛАР ИЛДИЗИГА ТУТАШ АЙЁМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА ҚАРШИ ОЛИНАДИ

Ҳар қандай миллий байрам, энг аввало, ўша халқнинг олам ва одамга эстетик муносабатини англатади. Айни шу маънода Наврўз халқимизнинг тарихи, фалсафаси, ҳаёт тарзи, санъати ва маданияти, мифологик, диний ва дунёвий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган қомусий айём саналади.

Наврўз — "янги кун" дегани. Яъни кун билан тун тенг келган вақт. Наврўзи олам — баҳор байрами, айниқса, Шарқ мамлакатларида шоду хуррамлик билан, ўзига хос тарзда нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2010 йил 23 февраль куни ушбу айёмнинг умуминсоний тамаддун ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, 21 мартни Халқаро Наврўз куни деб эълон қилди. БМТ резолюциясида қайд этилганидек, Наврўз 3 минг йилдан ортиқроқ вақтдан буён Марказий Осиё, Болқон, Яқин Шарқ, Кавказ, Қора денгиз ҳавзасидаги мамлакатлар ва бошқа ҳудудларда миллионлаб инсонлар томонидан кенг нишонланади.

Абу Райҳон Беруниийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Носируддин Рабғузийнинг "Қиссаи Рабғузий", Алишер Навоий асарларида Наврўз билан боғлиқ кўплаб маълумотлар, бадиий талқинлар учрайди. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Наврўз ҳақида шундай ёзади: "Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кун. Чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар қадрлайди. Чунки шу куни Қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар эъзозлайди. Чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир".

Қадим-қадимдан Наврўз байрами кунларида ҳатто уруш-жанжаллар тўхтатилган, гина-кудратлар унутилган, шоҳлар эл ичида энг муносиб кишиларни тақдирлаган, айрим маҳбусларнинг гуноҳидан ўтилган.

Наврўзнинг қачон ва қандай вужудга келганини аниқ айтиш қийин бўлса-да, лекин бу байрам кенг жамоа томонидан кашф қилингани, асрлар давомида шаклланганига шубҳа йўқ. Чунки Наврўзнинг дунёга келиши чуқур илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, тун ва куннинг тенглашуви, кундузнинг узайиб бориши, табиат жонланишининг бошланиши билан боғлиқ. Бу эса йил боши қачон келишидан қатъи назар Наврўзни уйғониш байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Наврўз илдизлари энг қадимий даврлар — одамларнинг деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган пайтларига бориб тақалади.

Наврўз қадимда 13 кун нишонланган. Тантаналардан сўнг одамлар кенг майдонларга чиқиб, Янги йилни кутиб олишган. Сайил асосида кириб келадиган йил улар оиласига бахт-саодат, фаровонлик олиб киришини тилаган. Мазкур анъана Эронда ҳозиргача сақланиб қолган. Ушбу мамлакатда Наврўз 13 кун нишонланади. Байрам муносабати билан одамлар қариндошлар, дўстлар ҳолидан хабар олади.

Наврўз юртимизда азалдан кенг жамоа иштирокида, анъанавий нишонланиб келинаётган байрамлардан биридир. Ота-боболаримиз, она-момоларимиз томонидан бу байрамда турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказилган. Шундан сўнг далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Деҳқонлар ерга қўш солган, жамоа-жамоа бўлиб, ҳашарлар уюштирилган. Аждодларимиз Наврўз байрамига атаб тикилган кийимларда хурсандчилик қилишган. Наврўз таомлари ҳам ўзига хос бўлган. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш анъанавий тус олган. Бу байрамда болалар чиллак, тошўйин, лапар айтиш каби ўйин ва мусобақаларда куч синашишган. Улоқ-кўпкари, кураш, қўчқор ё хўроз уриштириш, аскиябозлик, дор ўйини, турли халқ томошалари ўтказилган.

Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари бутун халқимиз учун энг суюкли байрамдир. Мамлакатимизда бу байрам куни умумхалқ сайиллари ташкил этилади. Шарқона янги йил арафасидаги ҳашарлар, эзгу тилаклар, таом ё пишириқлар алмашинуви — халқимизнинг асрлар оша бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келаётгани ифодаси. Бу ҳамиша бир-биримизга керак эканимизни эслатади, ўзаро тотувлик ва иноқлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Қадимги миллий қадриятлар тимсоли бўлган ушбу байрам халқимизнинг бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларини намоён этади. Ҳар йили шу куни барча вилоятлардаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари, концертлар ташкил этилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, кўксомса ва бошқа тансиқ таомлар тайёрланади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайрия-эҳсон ташкилотлари Меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға-саломлар улашади. Бу — халқимизга мансуб меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувликнинг ҳамиша бардавом экани ифодаси.

Наврўз — Шарқ халқларининг бош байрами. Эрон ва Афғонистонда байрам куни араб алифбосидаги син ҳарфи билан бошланувчи етти таом ёки буюм дастурхонга қўйилиши лозим. Булар — олма (сиб), ундирилган дон (сабзе), сирка (серке), жийда (сенжет), танга (секке), саримсоқ пиёз (сир), сумалак (саману). Олма — гўзаллик, ундирилган дон — уйғониш, яшариш, сирка — узоқ умр, сабр-бардош, жийда — севги-муҳаббат, танга — бойлик ва фаровонлик, саримсоқ пиёз — саломатлик рамзи ҳисобланган. Дастурхонга кўзада гул, рангланган тухум, ширинликлар, мева-чевалар, нон, шунингдек, кўзгу билан шам ҳам қўйилади. Оила аъзоларига тенг миқдорда шам ёқилиб, у тўлиқ ёниб тугамагунча олов ўчирилмайди. Афғонистонда байрамга етти мевадан шарбат ҳам тайёрланади.

Қозоғистонда Наврўз байрами муносабати билан дастурхонга ўзига хос байрам таоми — "Наурыз коже" (Наврўз гўжаси) тортилади. У еттита маҳсулот — гўшт, сув, ун, ёғ, дон, туз ва сутдан тайёрланади. Бу таомни тайёрлаш усули турлича: ҳар бир уй бекаси уни ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрлайди.

Наврўз Озарбайжонда ҳам кенг нишонланади. Байрамнинг биринчи куни одамлар дарё ёки булоққа бориб, унинг сувини бир-бирларига сепадилар. Сув поклик ва тозалик рамзи саналади. Улар Янги йилда бир-бирларига бахт-саодат тилайдилар, яқин инсонларини ширинликлар билан меҳмон қиладилар. Наврўз куни, албатта, ширинлик истеъмол қилиш азалий одат ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз — баҳор байрами қайси халқда нишонланмасин, ҳамиша тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб келган. Энг муҳими, у одамларни мудом згуликка, саховатпешаликка, ҳамжиҳатликка ундайверади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

Таълим ҳамкорлиги

"НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ ҲАЛОВАТДИР"

ДЕЙДИ АФҒОНИСТОНЛИК ТАЛАБА-ЁШЛАР

Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари узоқ тарихга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ҳамкорликни юқори босқичга кўтариш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги ташаббуслари ва ушбу мамлакатда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошираётганида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда эришилган келишув ва битимларда ҳар икки томон манфаатларига мос истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йил декабрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказини ташкил этиш бўйича битим имзоланган эди. Ушбу битимга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги қарори асосида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим муассасасида машғулотларни олиб бориш учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Термиз давлат университетидан тилшунос ва адабиётшунос, фольклоршунос ўқитувчилар жалб этилган.

Муассаса ахборот-ресурс маркази сиёсий, ижтимоий-гуманитар, техника йўналишидаги фанлар бўйича дарслик ва қўлланмалар, бадиий адабиётлар, Ўзбекистонда ишланган 50 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильм, аудиотўпламлар билан таъминланган.

Марказнинг расмий веб-сайти ишлаб турибди. Унда афғонистонлик ёшлар таълимда эришаётган ютуқлар, марказ янгиликлари ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилмоқда.

Марказ видеотерминал қурилмаси ёрдамида олий таълим муассасалари корпоратив тармоғи ва "Электрон таълим тармоғи"га уланиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, электрон кутубхона тизими ташкил қилиниб, унга 5 мингдан ортиқ китоблар киритилди.

Бугунги кунда марказда ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши бўйича 96 афғонистонлик талаба ўқитилмоқда.

— Тинчлик маҳсули дунёда бир хил англанилади: тараққиёт, фаровон ҳаёт, бахтиёр одамлар, порлоқ келажак, — дейди афғонистонлик талаба Фирозуллаҳ Сердаш. — Ўзбекистондаги фаровонлик, тинчлик ва осойишталик нафасини келган кунимданоқ ҳис этдим, — Тўғриси, Амударё ортида шундай гўзал диёр борлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бугун Афғонистонда истиқомат қилаётган 7 миллионга яқин ўзбеклар ва уларнинг фарзандлари ҳам ўз она тилида таълим олишни, савод чиқариб, яхши мутахассис бўлишни орзу қилади. Аммо бизда ўзбек тилида дарс ўтадиган мутахассислар етишмайди. Шу боис ана шундай эзгу амалга ҳисса қўшиш учун юртингизга келганмиз. Бу ерда таҳсил олиш учун Қобулда саралаш босқичидан ўтганимизда бир қувонган бўлсак, таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар, таълим бериш услуби юқори даражада экани янада мамнун этмоқда. Келгусида ўз юртимизга бориб ўзбек тили ва адабиётидан нафақат ўқувчиларга таълим бериш, балки Ўзбекистон тарихи, маданияти, бой анъаналари билан уларни таништиришни мақсад қилганмиз.

Марказда 700 ўринли ўқув биноси, ўғил болалар ва қизлар учун талабалар турар жойлари, 100 ўринли ошхона, спорт зал, спорт майдонлари мавжуд. Шунингдек, кимё, физика, темир йўл ва транспорт тизимини ўрганиш бўйича лаборатория хоналари, маърузалар зали, лингафон хонаси, сартарошхона, савдо дўкони бор.

Талабалар дарсдан бўш вақтларида китоб мутолааси, замонавий мултимедиа марказидан фойдаланиш баробарида кулолчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати ва ўзбек миллий мусиқаси тўгаракларида касб-ҳунар ўрганмоқда. Спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича ташкил этилган тўгаракларга талабаларнинг қизиқиши юқори.

— Мутахассислар мавжуд давлат таълим стандарти асосида тайёрланмоқда, — дейди таълим маркази директори Ойбек Рўзиев. — Қисқартирилган, яъни икки йиллик таълим муддатида олий, касб-ҳунар таълими дастурларига мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, ижодий, байналминал, бағрикенглик таълими муҳитини яратиш устувор мақсадларимиздандир. Айни пайтда Афғонистон томони эҳтиёжидан келиб чиқиб, марказ учун 17 олий таълим йўналиши ва 16 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши ўқув режалари модуллаштирилган шаклда ишлаб чиқилди. Яқин вақт оралиғида афғонистонлик ёшларга темир йўллари соҳасида таълим бериш имкониятлари ҳам яратилиши кўзда тутилган. Бунинг барчаси афғон йигит-қизларининг сифатли билим олиши ва илм даражасини оширишга хизмат қилаяпти.

Ўзбекистон ҳар доим Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган амалий ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келган. Давлатимиз раҳбарининг юксак минбарлардан туриб, афғон заминида барқарорликни таъминлашнинг энг тўғри йўли сифатида томонларни сиёсий музокаралар олиб боришга таклиф этгани, Афғонистонда тинчлик таъминланиши Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим ўрин тутиши ҳақидаги фикрлари шу жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Афғонистон бўйича юқори даражали Тошкент конференцияси ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш орқали унинг минтақавий иқтисодий-ижтимоий жараёнларга қўшилиши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратади. Шу боис пойтахтимизда ўтказилаётган минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро анжуманни афғон ёшлари ҳам қизиқиш билан кузатиб бормоқда.

— Тенгдошларимиздан тўрт нафари Ватанимиз тақдирига дахлдор бундай нуфузли халқаро конференцияни бевосита Тошкентда кузатиш имконига эга бўлди, — дейди афғонистонлик талаба Самира Попал. — Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликка бағишланган Тошкент анжумани тарихий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган ушбу нуфузли конференцияда юртимизнинг тинчлиги-осойишталигига дахлдор масалалар бутун дунё ҳамжиятида эътиборида эканлигидан жуда ҳурсандмиз. Умид қиламизки, дунё нигоҳидаги анжуман узоқ йиллик орзуларимизга йўл очади.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҚАДИМИЙ МИС ТАНГАЛАР ТОПИЛДИ

Хасуда шаҳридаги археологик қазишмаларда Япония тарихидаги энг йирик хазина қўлга киритилди, деб хабар беради "ria.ru".

Бўйи 70 сантиметр бўлган хумнинг ичидан 260 минг дона мис танга топилди. Энг қизиғи мис чақаларнинг бари тешик. Бу улар ипга тизилган ҳолда кўмилганидан далолат беради.

Археологлар топилмани XV-XVI асрларга тааллуқли, деб ҳисобламоқда.

Айни вақтда хазина кўргазмага қўйилган.

РОБОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИСИЗ БОШҚАРИЛАДИ



АҚШнинг "Nuro" компанияси ҳайдовчисиз бошқариладиган "Nuro R1" номли робомобилнинг синов намунасини ишлаб чиқарди, деб ёзади "techvesti.ru".

"Nuro R1" яқин атрофдаги дўконлардан мижозларга маҳсулотларни етказиб беришга мўлжалланган. Робомобилнинг оғирлиги 680 килограмм бўлиб, 110 килограммгача бўлган юкни таший олади. Робомобиль сўралган манзилга етиб боргач, мижозга келгани тўғрисида хабар юборади.

Робомобиль одатий машиналардан бироз кичикроқ қилиб ишланган. Томига ўрнатилган радар ҳамда камералар воситасида одатий автомобиллар тезлигида ҳаракатлана олади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН!

"SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бўлимининг 2018 йил 17 март кунидаги 01-01/87-сонли хатига асосан бўлим ҳовлисида сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли, 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига асосан, қуйидаги автомототранспорт воситалари аукцион савдосига қўйилмоқда:

1."НЕКСИЯ", давлат белгиси 20 229 САА, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, бошланғич баҳоси — 4 314 862 сўм.

2."ВОЛГА-31029", давлат белгиси 20 325 ЕАА, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, бошланғич баҳоси — 753 942 сўм.

3."МТЗ-80" трактори, давлат рақамисиз, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, бошланғич баҳоси — 2 813 360 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 12 апрель куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2017 йилнинг 23 апрель ва 4 май кунлари соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу автомототранспорт воситалари билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бўлим бошқарувининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охирги муддати: бир кун колганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган гаров келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автомототранспорт воситасининг номи, давлат белгиларини кўрсатган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖнинг, АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" Сирдарё вилоят филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Ҳ-Р: 2020 8000 9004 0989 4001, МФО: 00 855, ИНН: 303 121 227.

Савдо ғолибига 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 46-уй, 310-хона, телефон: (0-367) 235-03-57. Хизматлар лицензияланган: реестр тартиб рақами № 224, Гувоҳнома № 0224, 17 декабрь 2014 йил берилган.

27 март — Халқаро театр куни

МЎЪТАБАР ДАРГОҲ

Театр — катта таъсир кучига эга санъат турларидан бири. Ҳар қандай спектакл инсоннинг онгига, маънавиятига, дидига, дунёқарашига маълум маънода таъсир ўтказади. Шу маънода томошабинни эзгуликка ё ёвузликка бошлаш, уни тарбиялаш ё тарбиясини бузиш масъулияти ижодкорнинг зиммасидадир.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри мамлакатимизнинг йирик маънавият масканларидан. Ушбу театр саҳнасида кўплаб машҳур актёрлар тарбияланди, улар яратган ўлмас образлар ҳозир ҳам халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятини бойитишга ҳисса қўшиб келмоқда. Дастлаб "Турон" труппаси замирида шаклланган театр расман 1939 йили мусиқали драма санъатини ривожлантириш мақсадида очилади. У Ўрта Осиё республикалари мусиқали театрлари учун ўзига хос "лаборатория" вазифасини ҳам ўтаган. Ушбу театр саҳнасида илк бор яратилган мусиқали драма ва комедиялар Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, шунингдек, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон ва ҳатто Москвадаги "Ромэн" театрида ҳам саҳналаштирилган.

Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлганидек, театр санъатининг ҳам яралиш ва шаклланиш даври мавжуд. Илк театр масканлари қадимий Юнонистонда вужудга келган. Артистлар ҳайвон терисига ёпиниб, театр томошаларини омма эътиборига ҳавола этар, одамлар ҳам борган сари бу "ҳаёт акси"нинг ишқибозига айлана боради. Томошалар қўйилиши, ҳар хил воқеаларнинг қизиқарли, кулгили хатти-ҳаракатлар воситасида ижро этилиши натижасида театр санъати шаклланди...

Миллий театр тарихи тўғрисида сўз борганда, Абдулла Авлоний асос солган "Турон" жамиятини тилга олмай илож йўқ. 1913 йили тузилган бу жамият қошида кўп ўтмай "Турон" театр труппаси ташкил этилади. Бу труппа "Падаркуш"ни саҳналаштириш билан ўз фаолиятини бошлайди ва у кейинчалик замонавий театрлар шаклланишида муҳим рол ўйнади.

Мазкур ижодий жамоа ўзбек дрматургиясининг энг ёрқин намуналарини — мамлакатимизда театр санъати соҳасида эришилган ютуқлар, миллий театр мактабининг ўзига хос анъаналарини нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларига ҳам намойиш этиб келмоқда.

Ҳамза ва Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши", Собир Абдулла, Тўхтасин Жалиловнинг "Тоҳир ва Зуҳра", "Мавлоно Муқимий", Комил Яшин, Тўхтасин Жалиловнинг "Фарҳод ва Ширин", "Нурхон", Хуршид, Глиэр ва Фахриддин Содиқовнинг "Лайли ва Мажнун" асарлари театр ихлосмандлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Жаҳон драматургияси намуналаридан Робиндранат Тагорнинг "Рожа", Гарсиа Лорканинг "Қонли тўй", Чингиз Айтматовнинг "Момо ер", "Қизил дуррали нозик ниҳолим", Узеир Хожибековнинг "Аршин мололан", Собит Раҳмоннинг "Ҳижрон", Соҳиб Жамолнинг "Гули сиёҳ", Рашод Нури Гунтегиннинг "Халала" сингари юзлаб асарлар саҳналаштирилди.

Мустақиллик даврида маънавият, маданият ва санъат ривожига ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Театр санъати ижодкорлари ана шу муҳим масалани бош вазифа сифатида қабул қилди. Ўзбек халқининг бадиий мероси бутун ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан театр саҳнасида тўла-тўкис намоён бўла бошлади. Туроб Тўла, Фарҳод Олимовнинг "Нодирабегим", Рамз Бобожоннинг "Юсуф ва Зулайҳо", Ҳамзанинг "Тошкентга саёҳат", Усмон Азим, Баҳрулла Лутфуллаевнинг "Алпомишнинг қайтиши", Нурилло Аббосхон, Қаҳрамон Комиловнинг "Ойонам-қайнонам", Собир Абдулла, Тўхтасин Жалиловнинг "Тоҳир ва Зуҳра" (қайтадан), Хуршид, Глиэр, Фахриддин Содиқовнинг "Лайли ва Мажнун"(қайтадан) саҳналаштирилиши муҳим воқелик бўлди.

Бу даврда миллий ўзликни англаш ҳамда янги ифода воситаларини топишга қаратилган спектакллар қўйилди. Салоҳиддин Сирожиддинов, Ойдин Абдуллаеванинг "Осмоннинг баҳри кенг", Холиқ Хурсандов, Фарҳод Олимовнинг "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Топталган туйғу", Эркин Хушвақтов, Сарвар Юсуповнинг "Ўжар меъмор", Рустам Маъдиев, Фарҳод Олимовнинг "Бахтли бўл, дугонажон", Насрулло Қобул, Баҳрулла Лутфуллаевнинг "Тўда", Инъомжон Турсунов, Дилноза Зокированинг "Тузоқ", Усмон Азим, Сарвар Юсуповнинг "Матонат" каби саҳна асарлари яратилди. Уларда долзарб муаммолар — адолат учун кураш, чегараларимиз дахлсизлигини қўриқлаётган ҳарбийлар ҳаёти, юрт тинчлиги учун дахлдорлик, даврга мос, томошабинларни, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган мавзулар саҳнага олиб чиқилди.

— Театр жамоаси олдида улкан вазифалар, олий мақсадлар турибди, — дейди Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директор ўринбосари Ҳайрулла Иноғомов. — Давр шиддати барча соҳалар қатори ижодий йўналишдаги ишларимизни ҳам янгича руҳда такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бугун ҳар бир ўзбек санъаткорининг асосий вазифаси — истиқлол туфайли қадр топган эзгу-фазилатларимиз, миллий шаънимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш. Бунда ҳамиша халқимиз маънавиятига суянамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ўзбек театр санъатининг эртанги тараққиёти — халқ тили ва дилини англайдиган ёш ижодкорларга боғлиқ. Бинобарин, театрда "устоз-шогирд" анъанасининг яхши йўлга қўйилгани, ёш истеъдодлар ва забардаст санъаткорларнинг ўзаро ҳамоҳанг, аҳил жамоа бўлиб ижод қилишида ўз аксини топмоқда. Марям Ихтиёрова, Одина Нарзуллаева, Меҳри Бекжонова, Мирза Азизов сингари забардаст санъаткорлар бугун театр остонасига энди қадам қўйган ёшларга ҳам устоз, ҳам ўрнак бўлиб хизмат қилмоқда.

— Таниқли устозлар меҳнат қилган ушбу саҳнада роль ижро этишни ёшлигимдан орзу қилганман, — дейди театрнинг ёш актрисаси Дурдона Раҳмонова. — "Лайли ва Мажнун" спектаклидаги Лайли образининг менга ишониб топширилиши ҳаётимда катта бурилиш ясади: у мени янада кучли ва матонатли бўлишга ундади. Устозларим кўмаги, қўллаб-қувватлашлари, сабоғи билан биз ёшлар саҳнада ўз ўрнимизга эга бўлиб бораяпмиз.

Қарийб бир асрлик ижод йўлини босиб ўтаётган, Раззоқ Ҳамроев, Фароғат Раҳматова, Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб Хўжаев сингари элимиз ардоғидаги санъаткорлар қадами теккан, меҳнати сингган Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида бугун ҳам турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилмоқда, ўзига хос ижодий изланишлар давом этаётир. Зеро, салкам уч юзга яқин ижодкорни жамлаган театр жамоасининг бош мақсади — бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари образини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар яратиш. Бунинг учун театр жамоасида куч-қувват ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

IPOTEKA BANK

"Ипотека банк" АТИБ Хоразм вилоят филиали жамоаси

Жонажон диёримиз аҳли ва барча мижозларни гўзал айём, умумхалқ байрами —

НАВРЎЗ

билан чин дилдан муборакбод этади.

Серқуёш Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз. "Ипотека-банк" хизматларидан фойдаланинг.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган.

МММда

СИЛГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Америка Қўшма Штатлари Халқаро тараққиёт агентлиги — USAID Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ассамблеясининг "2015 йилдан кейинги халқаро силга қарши кураш стратегиясида (Силга барҳам бериш — End-TB)" илгари сурилган "силдан холи дунё" ғояси ижроси доирасида 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистонда сил касаллигига қарши курашда кўмаклашиб келмоқда. Бунинг натижасида ушбу касаллик билан оғриган беморлар ва ўлим ҳолати сони камайишига эришилаётир.

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сил касалликлари диспансери ҳамкорлигида ташкил этилган силга қарши кураш дастурига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг силга қарши дастури 5 йилга мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати 7,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Унинг асосий мақсади — Ўзбекистонда сил билан боғлиқ муаммоларни камайтириш ва сил касаллиги турғун турлари ривожланишининг олдини олишдан иборат.

Анжуманда таъкидланганидек, дастур доирасида соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, муассасаларо координация ва ҳамкорликни янада яхшилаш, сил касаллиги диагностикаси ва даволаш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган. Дастур мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари — Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида амалга оширилади.

— Силга қарши кураш дастурида кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Наргиза Парпиева. — Амалиётга беморларни тезкор даволаш, ҳудудлардаги лабораторияларда сил диагностикасини такомиллаштириш, сифатли бошқарув тизими муваффақиятли тадбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, барча лаборатория тармоғи ва улар кўрсатадиган хизматлар сифати яхшиланди, силга қарши курашишнинг "Бемор — эътибор марказида" лойиҳаси жорий этилди.

Ўтган вақт мобайнида USAID билан ҳамкорликда 17 минг текширув ўтказилиб, 155 та сил ҳолати аниқланди. Бугунги кунда 148 та бемор стационар шароитда даволанмоқда.

Тадбирда сил хасталигининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган лойиҳалар, сил касаллигининг жаҳондаги эпидемиологияси, илм-фан янгиликлари, фтизиатрия ва пульмонология соҳасида ечимини кутаётган долзарб вазифалар хусусида батафсил сўзлаб берилди.

Н. АВВАЛБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

"ИЛИК УЗИЛДИ"ДА ДАРМОН

Кўк пиёз инсон организми учун йил давомида зарур бўладиган сабзавот саналади. Айниқса, эрта баҳорда инсон организми унинг таркибида бўлган микроэлементлар ва провитаминларга эҳтиёж сезади.

Кўк пиёз таркибида вирусли инфекцион касалликлардан сақловчи фитонцидлар мавжуд бўлиб, ундан тайёрланган салат грипп ва ўткир респиратор касалликлардан ҳимоя қилади, барглари қон катакчалари вужудга келишида зарур бўлган хлорофиллни ўзида сақлайди.

Янги узилган кўк пиёз иштаҳани очади, овқат ҳазм бўлишида фойдали. Унинг таркибида инсон организми учун зарур микроэлементлар, А ва РР, С витаминлар, 3-10 фоиз шакар мавжуд.

Кўк пиёз авитаминозда, қувватсизликда ва баҳорги толиқишда жуда асқотади. У рух, кальций ва фосфор микроэлементларига ҳам бой. Рух микроэлементи соч тўкилиши, тирноқ синишининг олдини олади, юрак мушакларини мустаҳкамлайди, кальций билан фосфор тишлар соғлом бўлишида ёрдам беради.

Янги кўк пиёз иштаҳани очади ва ҳар қандай овқатга кўрк бахш этади. У овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини яхшилайди. Янги узилган кўк пиёз таркибида С витамини, каротин моддаси ва углеводлар кўп. Кўк пиёз таркибидаги калий микроэлементи юрак ва қон томир тизими фаолиятига ижобий таъсир этади.

Мутахассисларнинг фикрича, саратон ва бошқа бир неча тур касалликларнинг олдини олишда кўк пиёзни йил давомида истеъмол қилиб туриш фойдали саналади. Олимлар бир йилда ҳар бир одам ўрта ҳисобда 10 килограммгача кўк пиёз истеъмол қилиши зарурлигини тавсия этади. У қон таркибидаги соғлик учун зарарли холестерин миқдорини камайтиради. Бу эса атеросклероз касаллигининг олдини олади.

Бироқ жигар касалликларининг оғир кечадиган турлари, меъда-ичак тизими касалликлари билан оғриган кишиларга кўк пиёзни меъёридан зиёд тановул қилиш тавсия этилмайди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш "Ўзбекистон" жамоат фонди Васийлик Кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги 17-сонли баённомасига асосан "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик компанияси томонидан 240,010 миллион сўм ҳамда "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки томонидан 80,0 миллион сўм ҳомийлик пул маблағлари ўтказилди.

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши халқ депутатлари Шовот туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Ихтиёр Матмуротовга отаси

ҚУРАНБОЙ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 316, Адади — 9877. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 00.40. Топширилди — 01.15.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456